

Замонавий электр станцияси ишга туширилди, яна бирининг қурилиши бошланди



Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг мамлакатимизга ташрифи доирасида яна бир муҳим воқеа – Тошкент вилоятида замонавий иссиқлик электр станциясини ишга тушириш ҳамда Сирдарё вилоятида шундай станция қурилишини бошлаш маросими бўлди. Ушбу лойиҳалар Туркиянинг «Cengiz Enerji» компанияси томонидан амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев маросимда нутқ сўзлар экан, лойиҳаларнинг аҳамиятига тўхталди, ушбу мажмуалар Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик самараларининг ёрқин ифодаси эканини таъкидлади. Охириги бир йилнинг ўзида туркиялик компаниялар билан биргаликда Ўзбекистоннинг жадал ривожланаётган иқтисодиёти учун жуда муҳим бўлган 5 та йирик энергетика лойиҳалари амалга оширилгани алоҳида қайд этилди. Хусусан, ушбу станцияларнинг умумий қуввати бугунги лойиҳалар билан қўшиб ҳисоблаганда 1,4 минг мегаваттга етади.

Ўзбекистон энергетика тармоғини модернизация қилиш натижасида 2026 йилгача давлат-хусусий шериклик асосида умумий қиймати 12 миллиард долларлик 29 та лойиҳа ишга туширилиши таъкидланди. Улар қўшимча 71 миллиард килловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконини яратади, йилига 12 миллиард куб метр табиий газ тежалади.

Давлатимиз раҳбари электр станциясини бунёд этишда қатнашган муҳандис ва қурувчиларга миннатдорлик билдирди. Сўнг Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Режеп Таййип Эрдоған рамзий тугмани босиб, Қибрай туманидаги иссиқлик электр станциясини ишга туширди ва Ховос туманидаги иссиқлик электр станцияси қурилишини бошлаб бердилар.

Қибрайдаги ИЭС қуввати 240 мегаватт бўлиб, йилига 2 миллиард килловатт-соат энергия ишлаб чиқаради.

Ховос туманидаги янги иссиқлик электр станцияси 220 мегаватт қувватга эга, унда йилига 1 миллиард 700 миллион килловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади.



**SİRDARYO BÖLGESİ HAVAS İLAKESİNDE
YENİ ÇEVİRİM SANTRALİ
AÇILIŞ TÖRENİ**

29 MART 2022

**SİRDARYO BÖLGESİ HAVAS İLAKESİNDE
220 MW DOĞAL GAZ KOMBİNE ÇEVİRİM
TEMEL ATMA TÖRENİ**

2022-YIL 29-MART



